

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**“КЛАСТЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ХАРАЖАТЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ”**

**мавзусидаги  
Республика илмий–амалий анжумани**

**МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ**

2020 йил 10 ноябрь



**Тошкент**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>		4
<b>ЯЛПИ МАЖЛИС МАЪРУЗАЛАРИ</b>		
Эшов М.П.	Ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришнинг стратегиясидаги аҳамияти	6
Раҳматов М.А.	Кластер – ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилidir	10
Шадиметов К.	Қишлоқ хўжалиги кластерида биотехнология	15
Ҳамзаев М.А.	Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва маҳсулот экспортини оширишда сифатни бошқариш тизимларининг роли	22
Умаров Б.Ғ.	Тўқимачилик корхонасида маҳсулот таннархини камайтириш йўллари	24
Шодмонов Ш.Ш.	Товар ишлаб чиқаришга сарфланадиган ижтимоий харажатларни (қийматни) пасайтириб, нафлиликни оширишнинг аҳамияти	28
Эгамбердиев Ф.Т.	Кластер – иқтисодий модернизацияни жадаллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида	30
Ҳажиев Б.Д.	Инновацион тараққиёт – ишлаб чиқариш харажатларини такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида	34
<b>1-ШЎЪБА. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>		
Toshmatov Z. Amanullaeva Yu.	Ishlab chiqarish jarayonini klasterlashda investitsiyalar va ularni jalb qilish istiqbollari	37
Яхшиева М.Т.	Иқтисодий кластерларга ўтиш маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омили	40
Xolikulova G. Amanullayeva Yu.	Klaster xo'jaliklarini boshqarishda “raqobat” va uning o'ziga xos xususiyatlari	42
Мамарахимов Б.Э.	Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш - ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш омилидир	44
Абдуллаева М.К.	Кластер тизимларини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари	48
Топилдиев С.Р.	Ўзбекистонда саноат кластерларини ташкил этишнинг назарий асослари	51

**Яхшиева М.Т.**  
**ТДИУ доценти**

## **ИҚТИСОДИЙ КЛАСТЕРЛАРГА ЎТИШ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ**

Инновацион ривожланишнинг ҳозирги шароитида озиқ-овқат саноатини модернизация қилиш ва реконструкциялаш, биринчи галда, ушбу тармоқнинг ижтимоий аҳамиятлилигидан келиб чиқиб ўта муҳим ҳисобланади. Демак, озиқ-овқат саноатининг технологик ускуналарини такрор ишлаб чиқариш суръатлари инновацион ўзгаришлар суръатларига ва рақобат бозори талабларига мос келиши керак. Асосий фондлар фаол қисмининг улуши улар умумий қийматининг тахминан ярмини ташкил қиладиган ушбу тармоқ учун ҳар йиллик янгиланиш суръатлари камида 10 фоиз, технологик ускуналарини такрор ишлаб чиқариш суръатлари эса 15-20 фоиз даражасида бўлиши керак.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий кластерларга ўтиш минтақа маҳсулоти рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан республикамиз озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун жаҳон иқтисодиёти амалиётида кенг тарқалган кластерли ёндашувни қўллаш катта қизиқиш уйғотади.

Рақобатбардош тармоқлар кластерларининг мавжуд эмаслиги республиканинг миллий устунлиги учун заифликнинг жиддий унсури ҳисобланади, чунки кластерлар минтақавий ривожланиш, катта ва кичик бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги учун база ҳисобланади. Шунинг учун ҳукуматнинг барча саъй-ҳаракатлари алоҳида корхоналар ва тармоқларни қўллаб-қувватлашга эмас, балки таъминотчилар билан истеъмолчилар ўртасида, якуний истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантиришга йўналтириши керак. Кластер ҳукумат ва бизнеснинг ташаббуслари асосида шаклланади. У ёки бу тармоқда кластерни шакллантириш миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга, чунки кластер ички ўсишга асос солган ҳолда бутун занжирни ўз ортидан эргаштириши мумкин бўлган бўғин ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ташкилий – иқтисодий механизмини такомиллаштириш тармоқни ривожлантиришга нисбатан кластерли ёндашувга асосланиши керак. Агар озиқ-овқат саноатида кластерни шакллантириш имкониятини кўриб чиқадиган бўлсак, республикамизда кўплаб тармоқларда ва биринчи галда гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришда катта салоҳият мавжуд.

Кластернинг муҳим унсурлари куйидагилардан иборат: чорвачилик хўжаликлари; гўшт ва сутни қайта ишловчи корхоналар, шунингдек, унинг қайта ишланган маҳсулотларидан фойдаланувчи ишлаб чиқаришлар; махсус ускуналар ишлаб чиқарувчи машинасозлик корхоналари, идиш-упаковка ишлаб чиқариш, гўшт ва сутни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш ташкилотлари.

Кластер рақобат сингари – вақтга кўра ўзгарадиган жўшқин ҳодиса бўлганлиги боис айрим унсурларнинг аҳамияти йўқолиши ёки кучайиши ва мутлақо янгилари пайдо бўлиши мумкин.

Гўшт-сут кластерини ривожлантиришдаги асосий муаммо тармоқда асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборат. Чунки республикамизда ҳайдаш учун яроқли бўлган барча ерлар қишлоқ хўжалик оборотига жалб этилган ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмини янада ошириш деҳқончилик маданиятини ошириш асосида ушбу оборотга жалб этилган ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Асосий муаммо қишлоқ хўжалиги экинларининг хусусан, озуқа экинлари ва яйловлар ҳосилдорлигини оширишдан иборат.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш даражаси кўп жиҳатдан эришилган рақобат салоҳияти даражаси билан белгиланади, бу ривожланишнинг замонавий шароитида биринчи навбатда табиий ресурсларнинг мавжудлиги, юқори технологияли иқтисодиёт тармоқлари, ривожланган инфратузилма, сезиларли потенциал бозор талаби, арзон меҳнат кабиларга боғлиқ. "Рақобат салоҳияти" ва "ишлаб чиқариш салоҳияти" тушунчаларини таққослайдиган бўлсак, собиқ озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун ресурслардан оптимал фойдаланиш ишлаб чиқариш салоҳиятидан кенгроқ ва мураккаброқдир. Соҳага муносабат, мазмуни, амалга ошириш вақти, рақобат соҳасининг даражаси кабилар озиқ овқат саноатининг рақобат устунликларини тизимлаштиришда асосий таснифлаш омиллари сифатида иштирок этади.

Замонавий шароитларда нафақат соҳанинг рақобатбардош устунликларини аниқлаш ёки шакллантириш, балки келажакда унинг барқарорлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Рақобат афзалликлари паст ва юқори даражадаги афзалликларга бўлинади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маҳсулот ва хизматларнинг инновацион сифати, ишлаб чиқариш жараёнларини инновацион таъминлаш ва маҳсулотни бозорда тарғиб қилишнинг инновацион усуллари асосланган рақобатбардошлик афзалликлари энг барқарор ҳисобланади. Энг муҳим афзалликлар бу ишлаб чиқариш салоҳияти туфайли нисбий афзалликлардир, бу харажатларни камайтириш стратегиясини амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни фарқлаш имконини беради.

Фикримизча, озиқ-овқат саноатининг барқарор ривожланишига эришиш учун унинг барча жиҳатларини мувозанатини таъминлаш зарурдир, бу жараён давлат бошқаруви асосида ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мослашиш ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобат салоҳиятини кўтариш орқали амалга оширилади. Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда узоқ муддатда озиқ-овқат саноатининг барқарор ривожланишига унинг рақобатбардошлигини таъминламасдан эришиш мумкин бўлмайди. Шунинг учун озиқ-овқат саноатининг рақобатбардошлигини таъминлаш унинг ривожланиш барқарорлигини оширишнинг зарурий шартидир.